Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 93 (8583). ● 15 май, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## СОЦИАЛИЗМНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

Инсониятнинг Ер юзида тинчликни сақлаб қолишдан, ядро ҳалокатининг олдини олишдан кўра муҳимроқ вазифаси йўқ. Ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган Варшава Шартномаси ташкилоти тинчлик, революция ютуқларининг, халқлар бунёдкорлик меҳнатининг ишончли таянчига айланди. Ана шу йиллар давомида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома қатнашчилари бўлган давлатларнинг қардошларча иттифоқи социалистик мамлакатларнинг ривожланишига ва ҳар томонлама ҳамкорлигиға, суверенитети, хавфсизлигини ва чегараларининг даҳлсизлигини таъминлашга, тинчликсевар ташқи сиёсий йўлни амалга оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Москва меҳнаткашлари ва СССР Қуролли Кучлари вакилларининг 14 май куни ССР Иттифоқи Большой театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

Г. А. Алиев, В. В. Кузнецов, С. Л. Соколов, К. В. Русаков ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети масъул ходимлари, атоқли ҳарбий бошлиқлар, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари президиумдан жой оладилар.

Социалистик мамлакатларнинг СССР даги дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари штабининг вакиллари шу ерда ҳозир бўлдилар.

(Давоми 3-бетда)

# Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

14 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XX пленуми бўлди. Пленумда «КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумининг директори Б. Абдураҳмонов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси катта аппаратчиси Л. М. Жолудева, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Туропов, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонт заводи электрслесари Н. М. Железнов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри М. Х. Қурбонов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов, Фарғона область Риштон районидаги «Риштон» совхозининг сут соғувчиси Т. Я. Исҳоқова, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президумининг раиси Ш. Акмалхонов, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси И. Кўчқоров, Самарқанд область Иштихон район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Тиллаев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети оғир саноат ва энергетика бўлими мудирининг ўринбосари В. А. Дурасов, КПСС Марказий Комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг масъул ходими М. Л. Ишков қатнашдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарорлар қабул қилди, улар матбуотда эълон қилинади.

Пленум шу билан ўз ишини тугатди.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1985 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПАРТИЯ XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Партиямиз, совет халқи, деди ўз докладида И. Б. Усмонхўжаев, ҳозир КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларининг сафарбар этувчилик таъсири остида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бу Пленум партия XXVII съездини чақириш муддатини, унинг кун тартибини белгилади, съездга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг доклади совет кишиларининг диққат марказида турибди. Бу ҳужжат ленинча услубнинг, ютуқларимизга баҳо беришга, ҳозирги ривожланишнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга реалистик ёндашувнинг намунасидир. Социал-иқтисодий соҳада, халқаро сиёсатда, ташкилий-партиявий, идеологик иш соҳасида докладда баён этилган принципиал йўл-йўриқлар аслида партиямизнинг съездолди платформасидир.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорларини якдиллик билан қизғин маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Улар Ленин партияси теварагида ўз сафларини яна ҳам маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар, фидокорона меҳнат билан Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, 1985 йилги планни муваффақиятли бажаришга, ўн биринчи беш йилликни муносиб равишда якунлашга азму-қарор берганликларини изҳор этмоқдалар.

Мамлакатнинг иқтисодий ва социал турмушини такомиллаштириш борасида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида олға сурилган кенг кўламли новаторлик вазифаларини ҳал этиш экономика ва маданиятга партия раҳбарлигини, фаолиятимизнинг услуб ва методларини янада яхшилашни қатъий талаб этади. Партия ташкилотларида бўлажак ҳисобот ва сайловлар ташкилотчилик ва идеология ишини кучайтириш, партия ташкилотларининг активлиги ва жанговарлигини ошириш учун ниҳоятда қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Биз коммунистларнинг йиғилишларида, конференцияларда, Ўзбекистон Компартияси съездида партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини бажариш соҳасида қилинган ишларни чуқур ва ҳар томонлама кўриб чиқишимиз, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги масалаларини, ташкилий-партиявий ва идеология ишининг аҳволини батафсил муҳокама этишимиз лозим бўлади.

Интизомни, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг йўл-йўриқлари муносабати билан бажарилган ишларни ленинчасига, объектив ва талабчанлик билан таҳлил этиш муҳимдир.

Апрель Пленуми бошланғич ташкилотларни партиянинг асосий потенциали, деб атади. Съездни кутиб олаётган бошланғич ташкилотларнинг кўпчилиги ишда қизғинликни кучайтирмоқдалар, энг мураккаб вазифаларни дадиллик билан ҳал этишга киришмоқдалар, каттагина муваффақиятларга эришмоқдалар. Чинакам принципиаллик кўрсатаётган, топширилган иш учун ходимларга нисбатан қатъий талабчанлик қилаётган партия ташкилотлари тобора кўпаймоқда. Республикада бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигининг кўриги бошланганлиги бунга кўмаклашмоқда. Бу кўрик ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши, меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ўстиришга ёрдам бериши керак.

Съездолди даврида коммунистларнинг жой-жойига қўйилганлигини, партия ташкилотларининг ташкилий қурилишини яна бир бор синчиклаб кўриб чиқиш, айниқса ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида партия ўзагини мустаҳкамлаш чораларини кўриш лозим. Партия комитетлари партия ташкилотларининг кучини уларнинг жанговарлиги ва масъулиятини оширадиган, меҳнат коллективларининг турмушига таъсирини кучайтирадиган қилиб тақсимлашлари керак.

Бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетларининг етакчиларини танлаш ҳамда уларни кўтариш, сайлаб қўйиладиган активларни шакллантириш биринчи даражали аҳамиятга молик ишдир. Ана шу етакчилар партия оммаси ўртасида обрў-эътибор ва ишонч қозонган, маъмуриятнинг қўллаб-қувватлашини ҳар қандай даражадаги раҳбарга нисбатан юксак талабчанлик билан қўшиб олиб бора оладиган ташаббускор, принципиал, дадил ва қатъий коммунистлар бўлиши лозим.

Гап партия органига сайланган ҳар бир ходим кундалик меҳнати, ҳаётда актив позицияда туриши, шахсий намунаси билан коммунистларнинг ишончини оқлаши тўғрисида бормоқда.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига янги, иллатлардан тозаловчи куч бахш этиш, мана шу соҳалардаги ишларни яхшилашга эришиш, янги, дадил ва қатъий қарорларнинг амалга оширилишини таъминлаш асосий вазифадир.

Ўз-ўзидан равшанки, бу вазифани бажариш осон иш эмас. Аммо кейинги вақтларда кўтарилган ўртоқларнинг кўпчилиги эскилик инерциясини ва мавжуд қийинчиликларни зўр ғайрат билан бартараф этиб, ҳозирча кичик бўлса ҳам ижобий натижаларга эришмоқдалар. Ходимларимиз баъзида қандай мураккаб вазиятларга дуч келиб қолаётганликларини Марказий Комитет билади, уларнинг куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайди, фидокорона меҳнатини қадрлайди.

Бироқ кадрларнинг бир қисми муайян тўсиқларга дуч келганда ожизлик қилиб қолаётганини, кўпинча воқеаларнинг қули бўлиб, айниқса масала принципиал қарорларга тааллуқли бўлганда юқоридан кўрсатмалар берилишини кутиб туришини ҳам кўрмаслик мумкин эмас.

Марказий Комитет янгидан сайланган ва тайинланган ўртоқлагга, барча ҳалол ва софдил ходимларга нисбатан эътиборни, уларга ёрдам ва мададни бундан буён ҳам улар фаолиятига баҳо беришда юксак партиявий талабчанлик ва принципиаллик билан қўшиб олиб бораверади.

Раҳбарларнинг ғоявий чиниқишига, уларда сиёсий етукликни, қийинчиликларга барҳам беришда қатъиятни, ўз ишига баҳо беришда ўзини-ўзи танқид қилиш руҳида ёндашувни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Партия ва давлат интизомини бутун чоралар билан ошириш, планларнинг бажарилиши учун масъулиятни кучайтириш, бюрократизмга, исрофгарчиликка қарши курашни кучайтириш, меҳнаткашлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўли барча даражадаги кадрлар билан амалий иш олиб боришда аниқ ифодасини топиши керак.

КПСС Марказий Комитети ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг илмий концепциясини коллектив равишда ишлаб чиқиб, мамлакатни янада тараққий эттириш йўлларини белгилаб, экономикага, халқ фаровонлигини муттасил ошириб бориш манфаатларини кўзлаб, унинг мутаносиб равишда жўшқин юксалишига энг муҳим ўрин бермоқда. **Ресурслардан энг яхши фойдаланган ҳолда юксак пировард натижаларга эришиш — эндиликда иқтисодий ривожланишнинг бош мезонидир.**

Ўзбекистонда вужудга келган иқтисодий вазиятга шу позицияларда туриб баҳо берганда республикада ғоят катта ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциали яратилганлигини қайд этиб ўтиш керак. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати деярли 50 миллиард сўмликни ташкил этади.

Индустриянинг юздан кўпроқ тармоғи 1500 та йирик корхона ва бирлашмага эга бўлиб, улар орасида фан-техника тараққиётини белгилаб берадиганлари оз эмас. Республикада 3,7 миллион гектар суғориладиган ер бор, колхоз ва совхозлар замонавий қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланган. Сув хўжалиги қурилишининг кўлами кенгайди. Қулай табиий иқлим шароитлари билан қўшилиб, бу нарса гарантияланган ҳосил олиш имконини беради. Республика катта-катта меҳнат ресурсларига эга.

Шундай қилиб, социал-иқтисодий ривожланиш суръатларини қатъиян жадаллаштириш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтиришга Ўзбекистоннинг ҳиссасини кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Шу боисдан мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳозирги босқичда республика партия ташкилоти олдида турган биринчи навбатдаги энг асосий хўжалик вазифаси ҳамда сиёсий вазифадир. Марказий Комитетнинг XVI пленумида бу масалалар кескин қилиб қўйилган эди.

Ўшандан буён ўн ойдан кўпроқ вақт ўтди. Шунча муддат ичида барча муаммоларни ҳал этиш, неча йиллардан буён йиғилиб қолган номутаносиблик ва камчиликларни бартараф этиш мумкин, деб ўйлаш гўллик бўлур эди. Бироқ, барча партия, совет, хўжалик органлари, барча кадрларимиз ишларнинг аҳволини атрофлича анализ қилишлари, бошқаришнинг таркиб топган ва кўп жиҳатдан эскириб қолган форма ҳамда методларини қайта кўриб чиқишлари, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини тубдан қайта қуриш йўлларини белгилашлари, бу соҳада конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни сабот билан амалга оширишга киришишлари шарт эди.

Шу жиҳатдан олганда бугун баъзи якунларни чиқариш, тўпланган тажрибани таҳлил этиш, биз нималарни қила олганлигимизни ва Ленин таъбири билан айтганда, нималарни чала қилганлигимизни кўриб чиқишимиз мумкин.

Мавжуд камчиликларни очиб ташлаб, уларни таг-томири билан тугатишга, социализм табиатининг ўзида мавжуд бўлган ғоят катта бунёдкорлик кучларини ишга туширишга муваффақ бўлинган жойларда барча қийинчиликлар ва мураккабликларга қарамай, ижобий тенденциялар кўзга ташлана бошлаганлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Ўтган йили миллий даромаднинг илдам ўсиши таъминланди. Бир қанча министрликлар, бирлашмалар, корхоналар белгиланган топшириқларни ва шартномадаги мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар. Баъзи областлар саноатининг ишида муайян силжишлар рўй берди.

Коммунистларнинг активлиги, бошланғич партия ташкилотларининг талабчанлиги, раҳбарлар, мутахассисларнинг, хўжалик кадрларининг масъулияти ва ташаббускорлиги кучайди, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёт масалаларини ҳал этишда меҳнат коллективларининг роли ошди. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбексельмаш», «Миконд», «Узбекхиммаш», Наманган ва Андижон машинасозлик заводлари, Қўқон пайпоқ-йигирув комбинати, Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўпгина корхоналар барқарор ишламоқда.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда фан-техника тараққиёти ютуқлари асос қилиб олинаётган жойларда муваффақиятга эришилаётганлигини тажриба кўрсатиб турибди. «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети, раҳбарлиги (партком секретари Х. Н. Шагиев, бош директори И. Х. Мусин) инженер техник ходимларнинг, барча коммунистларнинг куч-ғайратини меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашга сафарбар эта олдилар. Бу ерда ихтисослаштирилган робот техникаси участкаси ташкил этилган, 9 та янги линия тузилган, иш жойлари аттестациядан ўтказилиб, рационализация қилинди, бу эса олти юздан кўпроқ ишчини бошқа ишларга ўтказиш имконини берди, машина-ускуналарнинг сменалик коэффициенти 1,65 га қадар етказилди.

Шу билан бирга коллектив тажрибаси техника тараққиёти учун курашни айрим участкалардагина олиб бориш мумкин эмаслигидан далолат бермоқда. Роботлар ва рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг ёнида ҳали заводда талайгина бўлган жисмоний ва маънавий эскириб қолган ускуналарнинг мавжудлиги, айниқса, тўғри келмайди. Корхонада ишларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи қўлда бажарилаётганлигига эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Бунда бирлашма партия ташкилоти ҳам, раҳбарлиги ҳам ҳали кўпгина ишларни қилишлари керак.

Замонавий хўжалик юритиш шарт-шароитлари иқтисодий соҳада йирик тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш зарурлигини тақозо этмоқда. Эскириб қолган бошқарув структуралари ва формаларини дадил ўзгартириш, қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини сабот билан қидириш керак. Пахта тайёрлаш системаси қайта қурилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Унча-мунчага ишонавермайдиган кишиларнинг ҳавотир бўлганликларига қарамай, пахтакорларнинг меҳнатига топширилган хомашёнинг миқдоригагина эмас, шу билан бирга пировард маҳсулот етиштирилганлиги ва унинг сифатига қараб ҳам ҳақ тўлашга ўтилганлиги ўзини батамом оқлади. Хўжаликларнинг ва тармоқдаги барча меҳнатчиларнинг пировард натижалардан манфаатдорлиги ошди. Ўтган йилги ҳосилдан аввалги мавсумдагига қараганда қарийб 100 минг тонна кўп тола ишлаб чиқарилади. Толанинг миқдори ва сифатига қараб, узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш чоғида хўжаликларга ўтган йилгидан 600 миллион сўм кўпроқ ҳақ тўлаш мўлжалланмоқда.

Чигитнинг сифати яхшиланди, бу эса ёғ-мой тармоғи корхоналарининг кўрсаткичларига ҳам баракали таъсир қилди. Чигит сарфи камайди, ўсимлик ёғининг чиқиши 1,3 процент ошди. 1984 йилги ҳосилдан 1983 йилдагига қараганда 20 минг тонна кўп ўсимлик ёғи олиниши кутилмоқда. Илк бор тармоқ шу йилнинг биринчи кварталида фойда кўриб ишлади.

Мана шу ва бошқа ижобий ўзгаришларни таҳлил этатуриб, улар фақат дастлабки силжишлар эканлигини, олдинда кўпгина тармоқлардаги мавжуд қолоқликни бартараф этиш борасида қизғин ишлар турганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Хатолар ва номутаносибликлар, ҳар томонлама асосланган пишиқ-пухта ечимларнинг йўқлиги, баъзида социалистик хўжалик юритиш принципларининг тўғридан-тўғри бузилаётганлиги сабабли беш йиллик план кўпгина кўрсаткичлар бўйича қониқарсиз бажарилмоқда. Ялпи ижтимоий маҳсулот белгиланганидан камроқ ошди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми етарлича суръатлар билан ўсмаяпти, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир талай турларини етиштириш камайди.

Саноатда планда белгиланган миқдорда газ қазиб чиқариш, пўлат қуйиш, олтингугурт кислотаси, пахта териш машиналари, тракторлар, ип газлама, ички ва устки трикотаж, ўсимлик ёғи, бинокорлик материалларининг баъзи турларини ишлаб чиқариш таъминланмади. Қишлоқ хўжалигида картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштириш, чорва ва парранда, сут ва тухум харид қилиш планлари бажарилмади. Капитал қурилишда асосий фондларни, уй-жойлар ва касалхоналарни ишга туширишда қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Бундай муваффақиятсизликларни объектив ҳолат деб аталмиш ҳолларни рўкач қилиб, изоҳлаб бўлмайди. Бунинг сабаблари анча чуқурдир. Кўпгина перспектив масалалар сусткашлик ва журъатсизлик билан ҳал этилмоқда, хўжалик юритиш методларида муҳим ўзгаришлар содир бўлмаяпти. Етилган проблемаларни ҳал этиш борасида йирик тадбирларни амалга оширишда баъзи кадрларда чўчиш аломатлари намоён бўлмоқда, меҳнат коллективларининг ташаббускорлигини авж олдиришда қатъият етишмаяпти.

Социал-иқтисодий тараққиёт одамларга, ҳар бир киши ўз жойида виждонан ва тўла куч билан ишлашига ҳал қилувчи даражада боғлиқ. Бироқ, кўпгина участкаларда иш вақтининг зое кетиши секинлик билан камаймоқда. Машина ва ускуналарнинг бекор туриб қолишига қарши тегишлича кураш олиб борилмаяпти.

Республика саноатида ўтган йили иш вақти кўп зое кетди. Шу сабабли 100 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам етказиб берилди. Умуман республикада иш вақтининг зое кетиши 52 минг киши-кун камайган бўлса, Сирдарё, Сурхондарё, Андижон областларида у кескин ошиб кетди. Мебель саноати министрлиги билан Қишлоқ қурилиши министрлигининг корхоналарида ўтган йил зое кетган иш вақти икки баравардан зиёд ошди. Бинокорлик материаллари саноати министрлигида прогуллар 44 минг киши-кунни ташкил этди.

Интизомни мустаҳкамлаш учун курашда партия ташкилотлари социалистик мусобақанинг тарбиявий имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишлари лозим. Кишиларнинг активлигини муттасил ошириб, уларнинг онгли ижодкорлигини резервлардан яхшироқ фойдаланишга йўналтириш, тартиб ва интизом ўз-ўзидан яратилмаслигига, коллективнинг якдил иродаси билан уларга эришилажагига ишончни шакллантириш керак.

Шу муносабат билан докладда қуйидаги мисоллар келтирилган. Тошкентдаги «Компрессор» заводида икки марта комиссия бўлди. Бир гал кечикишлар, бекор туриб қолишлар, танаффусга ва ишдан барвақт кетиб қолишлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бошқа тарзда бузишлар аниқланганида комиссия бу ерга огоҳлантирмай келган эди. Эртаси куни текшириш такрорланиши эълон қилинди. Мана шунинг ўзигина ҳеч қандай қўшимча чиқимлар қилмай, ўртача кунлик маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини 2 процент ошириш имконини берди. Мутахассислар ҳисоблаб чиқишганидек, корхона интизомни мустаҳкамлаш ҳисобигагина йилига салкам тўрт юз минг сўмлик қўшимча маҳсулот олиши мумкин.

Мана шу ва бошқа фактлар интизомни мустаҳкамлаш қандай катта самара беришини, халқ хўжалиги қандай битмас-туганмас резервларга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Уюшқоқлик ва тартиб учун кураш — партия ва давлат фаолиятининг доимий йўналишидир. Бунда ҳеч қандай кампаниячилик элементларига йўл қўйиб бўлмайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари республика партия ташкилоти учун принципиал ва узоқ муддатли характерга эга эканлиги яна бир марта таъкидлаб ўтилди. Бу қарорлар КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига батамом мос келади. Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган докладда қайд этиб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитети социалистик принциплардан чекинишлар, ҳар қандай салбий ҳодисалар йўлига мустаҳкам ғов қўйишни, меҳнат қилмай топиладиган барча даромад манбаларини ёпиб қўйишни талаб қилмоқда.

Одамларни ишлашга ўргатиш, самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитларни яратиш керак. «Чирчиқсельмаш» заводида узоқ вақтдан буён рақамли программа билан бошқариладиган ўнлаб станоклар бекор турган экан, бунга аввало ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг, партия ташкилотининг, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг хатолари сабабдир, улар малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида ўз вақтида ғамхўрлик қилмадилар. Бир қанча тўқимачилик корхоналари ва уларнинг филиалларида ҳам аҳвол шундай. Ҳозир янги катта корхоналарни қуриб битказиш ва уларни фойдаланишга топшириш борасидаги ишлар ҳал қилувчи босқичга кирмоқда. Ана шу корхоналар учун ишчи кадрлар тайёрлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарур.

Экономика соҳасидаги интизом ва тартиб-аввало аниқ ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёни, ўзгармас план, технология интизомидир, албатта.

Планлаштириш практикасининг ўзини принципиал яхшилаш талаб этилади. Апрель Пленуми қарорларига асосланадиган бўлсак, шу нарсага мутлақо тоқат қилиб бўлмайдики, бир қанча министрликлар ва идоралар планларни пасайтириш томонига асоссиз равишда қайта кўриб чиқишга йўл қўймоқдалар, баъзилари эса ишлаб чиқариш ҳажмлари ва бошқа кўрсаткичларни олдиндан бевосита камайтирмоқдалар.

Бу нимага олиб келиши Жиззах аккумулятор заводи мисолида кўриниб турибди. Ўтган йили бу ерда план беш марта ўзгартирилди ва йил охирига келиб, дастлабки планнинг атиги ярмини ташкил этди. Аммо ана шу камайтирилган топшириқ ҳам атиги 25 процент бажарилди. Натижада халқ хўжалигига 7 мингта аккумулятор батареяси кам берилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми барча даражадаги раҳбарлар зиммасига бу йилги планларни ҳеч қандай ўзгаришсиз бажариш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини юклайди. Бу кўрсатмани ҳам оғишмай бажариш керак.

(Давоми 2-бетда)

